



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 17 » fevral

№ 76

Toshkent sh.

Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид ахборотни хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

“Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид ахборотни белгиланган тартибда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларга тақдим этиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид ахборотни хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид ахборотни хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларга тақдим этиш;

тақдим этилган ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид ахборотни хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар томонидан таҳлил қилиш, маълумотлар базасини шакллантириш, мазкур объектларда хавфсизликни доимий равишда назорат қилиб бориш;

ядровий қурилмаларда ва (ёки) сақлаш пунктларида радиоактив моддалар, радиациявий манбалар, ядровий материаллар ҳамда радиоактив чиқиндиларнинг сақланиши, жисман ҳимоя қилиниши талабларига риоя этилишини таъминлаш.

2. Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини эксплуатация қилувчи ташкилотлар раҳбарлари ушбу объектларнинг хавфсизлик ҳолатига оид ахборотни белгиланган муддатларда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларга тақдим этилишига масъул этиб белгилансин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “17” февралдаги “76”-сон қарорига
илова

**Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик
ҳолатига оид ахборотни хавфсизликни давлат томонидан тартибга
солувчи органларга тақдим этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи органларга ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид ахборот тақдим этишининг тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

атом энергияси — атом ядроларида мавжуд бўлган ва ядровий реакциялар ҳамда радиоактив парчаланиш чоғида ажралиб чиқадиган энергия;

атом энергиясидан фойдаланиш объектлари — ядровий қурилмалар, сақлаш пунктлари, ядровий материаллар, радиациявий манбалар, радиоактив моддалар, ядровий ёқилғи, ядровий реакторларнинг иссиқлик ажратувчи тўпламлари, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи, радиоактив чиқиндилар;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидалар (кейинги ўринларда — норма ва қоидалар) — атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва мазкур соҳадаги фаолиятнинг хавфсизлик талабларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар;

махсус ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси;

атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи органлар — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия;

ахборот тақдим этиш — ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолати, норма ва қоидалардан четга чиқиш ва режадан ташқари тўхташ тўғрисида ахборот тақдим этиш;

кузатув зонаси — ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти ушбу зонада яшовчи аҳолига радиациявий таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудуд;

радиоактив моддалар – ионлаштирувчи нурланишни тарқатадиган, ядровий материаллар жумласига кирмайдиган моддалар;

радиоактив чиқиндилар – фойдаланиш учун мўлжалланмаган, йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кўп миқдордан ошадиган фаоллик даражасига эга радионуклидларни ўз ичига олган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги материаллар ва моддалар;

сақлаш пунктлари – ядровий қурилмалар жумласига кирмайдиган ҳамда ядровий материалларни ва радиоактив моддаларни сақлаш, радиоактив чиқиндиларни сақлаш ёки кўмиб ташлаш учун мўлжалланган стационар объектлар ҳамда иншоотлар;

санитария-муҳофаза зонаси – алоҳида фойдаланиш режимига эга махсус ҳудуд;

эксплуатация қилувчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган ҳамда ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти учун масъул этиб тайинланган ҳамда ўз кучлари билан ёки бошқа юридик шахсларни жалб этган ҳолда уларни эксплуатация қилишга қодир бўлган юридик шахс;

ядровий материаллар – таркибида бўлинадиган (парчаланадиган) ядровий моддалар бўлган ёки уларни ҳосил қилишга қодир бўлган материаллар;

ядровий қурилмалар – атом электр станциялари, тадқиқот ядро реакторлари, критик ва субкритик ядровий стендлари бўлган иншоотлар ҳамда мажмуалар, ядровий ёқилғидан ва ядровий материаллардан фойдаланиш ҳамда уларни ташиш учун мўлжалланган қурилмалар.

3. Эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан махсус ваколатли орган ва атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи органларга (кейинги ўринларда – хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар) электрон шаклда мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ:

ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид йиллик ахборот (кейинги ўринларда – ахборот) ҳисобот йилидан кейинги ойнинг 10 санасигача бўлган муддатда;

санитария-муҳофаза ва кузатув зоналаридаги радиациявий хавфсизлик ҳолати ҳамда атроф муҳитга таъсири бўйича ахборот ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10 санасигача бўлган муддатда тақдим этилади.

4. Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар эксплуатация қилувчи ташкилотдан ҳисобот ойдан бошқа даврда ҳам қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пунктининг ишга тушириш, эксплуатация қилиш ҳамда фойдаланишдан чиқариш босқичларида уларнинг хавфсизлик ҳолатига оид ахборот ва ҳужжатларни сўраш ҳамда олиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Давлат сирлари ва махфий ахборот тоифаларига киритилган ахборот қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

6. Ахборот учинчи шахсларга эксплуатация қилувчи ташкилотлар билан келишилгандан сўнг берилади.

7. Эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан ахборотни баҳолаш ва унинг норма ва қоидаларга мувофиқлиги таҳлили қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилишининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилади.

8. Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан ахборот тақдим этилгандан сўнг қуйидагиларни амалга оширади:

ахборотни тўплаш ва ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид маълумотлар базасини шакллантириш;

ахборотни таҳлил қилиш ва баҳолаш (зарур ҳолларда мазкур мақсадларда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги хорижий ихтисослаштирилган институтлар ва компаниялар, шунингдек, хорижий мутахассис ва экспертларни жалб қилган ҳолда);

ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик тизими самарадорлигини, унинг пасайишига олиб келиши мумкин бўлган омиллар аниқланган тақдирда, ёзма кўрсатма бериш, шунингдек, ёзма кўрсатма ижроси ва камчиликлар бартараф этилишини назорат қилиш;

ахборот тақдим этилгандан сўнг 30 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан тақдим этилган ахборот тўлиқлигини кўриб чиқиш;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилиш, камчиликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

тақдим этилган ахборотда камчиликлар, номувофиқликлар, хатолар ҳамда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, иш фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор қабул қилиш.

9. Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларга ахборот эксплуатация қилувчи ташкилот раҳбари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда электрон шаклда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ тақдим этилади.

2-боб. Яқунловчи қоида

10. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликга тортилади.

Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш
пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид
ахборотни хавфсизликни давлат томонидан
тартибга солувчи органларга тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларга тақдим
этиладиган ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид маълумотлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
I. Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлиги ҳолатига оид умумий ахборот		
1.	а) эксплуатация қилувчи ташкилот тўғрисида маълумотлар:	
	эксплуатация қилувчи ташкилотнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
	эксплуатация қилувчи ташкилотнинг идоравий мансублиги;	
	эксплуатация қилувчи ташкилотнинг почта манзили, телефон/факс рақами, электрон почта манзили;	
	эксплуатация қилувчи ташкилотнинг ахборот тақдим этилиши учун масъул мансабдор шахслари тўғрисида маълумот (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, телефон/факс, электрон почта манзили);	
	б) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари тўғрисида маълумотлар:	
	ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини қабул қилиб олиш, ишга тушириш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни фойдаланишдан чиқаришнинг барча босқичларида сифатни таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
	ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини қабул қилиб олиш, ишга тушириш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни фойдаланишдан чиқаришнинг барча босқичларида эксплуатация ва хавфсизлик билан боғлиқ бажарилган ишлар бўйича ахборот тақдим этиш;	қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
	ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг ишга туширилган санаси, номи, мақсади, тури;	
	ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг белгиланган ишлаш муддати;	
	хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар томонидан берилган лицензия талаблари ва шартлари бажарилаётганлиги ҳолати;	
	саноат хавфсизлиги (қўтариш механизмлари, қувур ўтказгичлар, босим остида ишловчи идишларнинг ҳолати);	
	радиациявий ва ядровий авариялар эҳтимоли ва уларнинг кўлами;	
	радиациявий ва ядровий аварияларни, уларнинг оқибатларини бартараф этишга тайёргарлик даражаси;	
	ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатини баҳолаш ва унинг норма ва қоидаларга мувофиқлик таҳлили натижалари асосида эксплуатация қилувчи ташкилотлар хавфсизликни ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши тўғрисида маълумот;	
	ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг текширувлари кўрсатилган ҳолда, ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари хавфсизлиги учун муҳим бўлган элементлар ва тизимлари таркибида содир бўлган ўзгаришлар;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
	ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг эксплуатация режими кўрсаткичлари (асосий тавсифлари);	
	ядровий қурилмаларг ва (ёки) сақлаш пунктларининг техник жиҳатдан таъминланганлиги (хавфсизлик учун муҳим бўлган жисмоний тўсиқлар, тизимлар ва элементлар ҳолати, электр таъминоти ва бошқалар);	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
	ядровий материаллар, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар билан ишлаш вақтида ядровий ва радиациявий хавфсизликнинг таъминланиши;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атрофамуҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
	ёнгин хавфсизлигининг таъминланиши;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги
	атроф муҳитнинг радиоактив (радионуклид) ва бошқа зарарли моддалар билан ифлосланиш ҳолати;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази,
	радиациявий ва ядровий хавфсизлик тадбирларининг таъминланиши ҳамда радиациявий хавфсизлик нормалари ва қоидалари ҳамда гигиена нормаларининг бажарилиши;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
	в) хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларнинг ёзма кўрсатмалари бажарилиши тўғрисида маълумотлар:	
	хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар томонидан берилган ёзма кўрсатмалар ижроси;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ички ишлар
	хавфсизликни таъминлашнинг ҳал этилмаган масалалари тўғрисидаги маълумотлар, уларни амалга ошириш учун ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари раҳбарияти томонидан кўрилатган чора-тадбирлар;	

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
	ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик тизимидаги камчиликлар бартараф этилгани тўғрисида электрон шаклда хабардор этиш;	вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
	г) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар:	
	ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари хавфсизлиги учун муҳим бўлган асбоб-ускуналар ва тизимларни текшириш (режали ва режадан ташқари текшириш) ва таъмирлаш (режали ва режадан ташқари таъмирлаш) юзасидан амалга оширилган ишлар;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
	ходимлар ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларида радиациявий хавфсизлик соҳасидаги нормалар, қоидалар ва гигиеник меъёрларга риоя қилиниши, шунингдек, хавфсизликни ошириш (такомиллаштириш);	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази
	д) ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти хавфсизлиги учун муҳим бўлган асбоб-ускуна ва тизимларни модернизация қилиш бўйича;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
	е) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари ходимлари ва хизмат сафаридаги шахсларнинг жамоавий ва индивидуал эффектив (эквивалент) нурланиш дозаси ва уларнинг назорат даражаларига мувофиқлиги тўғрисида;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
	ж) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, билимларини синов (аттестация)дан ўтказиш, шунингдек, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида иш олиб бориш ҳукуқи учун атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли органнинг аттестация гувоҳномаси мавжудлиги тўғрисида;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
	з) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларида авария содир бўлган ҳолатда ички ҳаракат қилиш режаси мавжудлиги ва ходимларнинг авария юз берган шароитларда ҳаракат қилишга тайёрилиги ва ўтказилган авария-машқ машғулоти натижалари, авария юз берган тақдирда ходимларни ҳимоя қилиш бўйича ва фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш учун тадбирлар режаси, куч ва техник воситаларнинг (тизимлар, асбоб-ускуналар) мавжудлиги ва шайлиги тўғрисида;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
	и) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини ишга тушириш, эксплуатация қилиш ва фойдаланишдан чиқариш учун йўриқнома, қўлланма ва технологик регламентларнинг мавжудлиги тўғрисида;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
	к) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга мувофиқ жисман ҳимоя қилинишини таъминлаш тизимининг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар тақдим қилинади;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
II. Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини ишга тушириш босқичида уларнинг хавфсизлик ҳолатига оид ахборот		
2.	а) ишга тушириш вақтида ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг тайёрилигини текширишда қайд этилган камчиликларнинг қисқача тавсифи (камчиликлар қайд қилинган тақдирда);	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
	б) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини ишга тушириш тайёригини текширишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган ташкилий-техник чора-тадбирлар (камчиликлар қайд қилинган тақдирда);	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
	в) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг экспериментал ўлчанган тавсифларининг лойиҳада берилган кўрсаткичларига мувофиқлигини қисқача таҳлил қилиш, лойиҳа ва (ёки) эксплуатация ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, муҳим бўлган элементларни (тизимларни) хавфсизлик даражасини ошириш (такомиллаштириш);	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
	г) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини ишга тушириш (лойиҳа асосида) санаси тўғрисида маълумотлар тақдим қилинади.	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
III. Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини эксплуатация қилиш босқичида уларнинг хавфсизлик ҳолати оид ахборот		
3.	а) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг эксплуатация қилиш босқичида бажарилган тажриба ишларининг қисқача тавсифи, ишга тушириш санаси ва вақти, хавфсизлик учун муҳим бўлган технологик тизимларнинг асосий кўрсаткичлари, ишлаш сабаблари ва давомийлиги;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
	б) хавфсизлик тизимларининг ишга тушганлиги, шу жумладан, хавфсизлик тизимлари автоматик тарзда ва масофадан туриб ишга туширилган фавқулодда вазиятлар сони, шунингдек, захира ва фавқулодда электр таъминоти манбаларининг ишга тушиш сони;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
	в) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг нормал эксплуатация қилиш босқичида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича амалга ошириладиган техник чора-тадбирлар;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
	г) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари хавфсизлиги учун муҳим бўлган элементлар (тизимлар)нинг, шунингдек жисман ҳимоя тизимларининг техник ҳолати бўйича:	
	ўлчов воситалари, махсус юк кранлари ва юк кўтариш механизмларининг техник ҳолати, ресурс кўрсаткичлари;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
	металл ва пайванд чоклари ҳолатини текшириш натижалари;	
	асбоб-ускуналарнинг эскирган, хизмат муддати ўтган қисмларини алмаштириш;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
	д) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини эксплуатация қилиш босқичида сифатни таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича маълумотлар, шу жумладан, эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан ишларни бажарадиган ва (ёки) хизмат кўрсатадиган учинчи томон ташкилотлар фаолиятининг сифатини таъминлаш бўйича назорат тизими;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
	е) амалга оширилган ядровий-хавфли ишлар ва ушбу ишларнинг бажарилиши;	
	ж) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг махсус вентиляция тизимида ҳавони тозалаш филтрларининг мавжудлиги ва ишга яроқлилигини текшириш натижалари;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
	з) мавжуд ишлатиб бўлинган ядро ёқилғиси ва радиоактив чиқиндиларни сақлаш пунктлари бўйича:	
	ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи ва радиоактив чиқиндиларни бошқариш бўйича тадбирлар амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати, шу жумладан, санитария-эпидемиологик хулосалар ва ишлатилаётган асбоб-ускуналар учун сертификатлар мавжудлиги;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
	ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи сақлагичлар сони (миқдори), шу жумладан, уларнинг лойиҳада кўрсатилган сақлаш миқдори ва айни вақтдаги ҳақиқий тўлдирилиши;	
	фавқулодда ҳолатларда ядровий ёқилғи сақлагичларда бўш жойларнинг мавжудлиги;	
	вақтинчалик радиоактив чиқиндилар сақлагичлари сони (миқдори), шу жумладан уларнинг лойиҳада кўрсатилган ҳажми ва айни вақтдаги ҳақиқий тўлдирилиши;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
	к) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларида эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан ўрнатилган назорат кўрсаткичлари билан белгиланган атмосферага чиқарилаётган радионуклидлар ҳамда санитария-муҳофаза ва кузатув зоналаридаги радиациявий хавфсизлик ҳолати;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази
	л) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг фаолияти даврида ҳосил бўлган суюқ ва қаттиқ радиоактив чиқиндилар бўйича:	
	радиоактив чиқиндиларни вақтинча сақлаш, қайта ишлаш ва махсус сақлаш пунктларига жўнатиш;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
	ҳосил бўлган ва қайта ишланган суюқ радиоактив чиқиндилар миқдори (ҳажмга нисбатан умумий активлиги), шунингдек, белгиланган тартиб асосида махсус канализацияга ташланган суюқ радиоактив чиқиндиларнинг умумий активлиги;	

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
	ҳосил бўлган ва қайта ишланган (зарарсизлантирилган ёки кўмилган/узоқ муддат сақланадиган) қаттиқ радиоактив чиқиндиларнинг миқдори ва умумий активлиги;	
	м) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларида ядровий ёқилғини ва радиоактив чиқиндиларни ташиш учун фойдаланиладиган транспорт бўйича:	
	санитария-эпидемиологик ҳулосаларнинг рақамлари ва уларнинг амал қилиш муддатлари кўрсатилган ҳолда ядровий ёқилғини ва радиоактив чиқиндиларни ташиш учун фойдаланиладиган транспорт воситалари рўйхати;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги
	ядровий ёқилғини ва радиоактив чиқиндиларни ташишда фойдаланиладиган махсус контейнерлар учун рухсатномалар;	
	н) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларидаги ёпиқ радиациявий манбалар сони ва уларнинг умумий активлиги, шунингдек, муддати ўтган радиациавий манбалар сони;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
	о) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолати, уларнинг хавфсизликка оид меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар тақдим қилинади.	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
IV. Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини фойдаланишдан чиқариш босқичида уларнинг хавфсизлик ҳолатига оид ахборот		
4.	а) фойдаланишдан чиқариш босқичида ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа, дастурлар рўйхати;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
	б) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини фойдаланишдан чиқариш босқичида бажарилган ишлар миқдори тўғрисида маълумотлар;	қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия
	в) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини фойдаланишдан чиқариш босқичида ишларни бажарувчи ёки эксплуатация қилувчи ташкилотга хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар рўйхати;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
	г) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини фойдаланишдан чиқариш босқичида ишларни бажарувчи ходимларни тайёрлаш ва синов (аттестация)дан ўтказиш тўғрисида маълумотлар;	
	д) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини фойдаланишдан чиқариш босқичида ходимларнинг нурланиши ва атроф муҳит ифлосланиш даражаларини радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган нурланиш дозалари ва ифлосланиш даражалари қийматларидан оширмасликка қаратилган ташкилий-техник чора-тадбирлар рўйхати;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази
	е) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини фойдаланишдан чиқариш босқичида радиоактив моддалар ва чиқиндиларни ҳисобга олиш ва назорати бўйича маълумотлар;	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
	ж) радиоактив асбоб-ускуналарни сақлаш ва қайта ишлатиладиган материаллар ва хом ашёни ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларидан ташқарига олиб чиқиш ва сақлаш бўйича маълумотлар;	
	з) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини фойдаланишдан чиқариш босқичида эҳтимолий авариялар	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси,

Т/р	Маълумот	Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар
	оқибатларини бартараф этиш ва уларнинг тарқалишини олдини олишга қаратилган ташкилий-техник чора-тадбирлар;	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази
	и) ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини фойдаланишдан чиқариш босқичида дастур асосида бажарилган ишлар ва объектларнинг ҳолати бўйича маълумотлар тақдим қилинади.	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Гидрометеорология хизмати маркази, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия

Изоҳ.

Иловада куйидаги тушунчалар қўлланилган:

ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи – ядровий реакторнинг фаол зонасидан бутунлай чиқариб ташланган ва техник хусусиятларига кўра ядровий қурилмада фойдаланиш учун мўлжалланмаган ядровий материал;

радиациявий авария – ускуна носозлиги, ходимларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар туфайли келиб чиққан, фуқароларнинг белгиланган нормалардан кўпроқ нурланиш олишига ёки атроф муҳитнинг радиоактив ифлосланишига олиб келиши мумкин бўлган ёхуд олиб келган ионлаштирувчи нурланиш манбаини бошқаришнинг издан чиқиши;

радиациявий манбалар – таркибида радиоактив моддалар мавжуд бўлган ёки ионлаштирувчи нурланиш чиқарадиган, ядровий қурилмалар жумласига кирмайдиган мажмуалар, қурилмалар, аппаратлар, ускуналар ва буюмлар;

ядровий авария – реактор фаол зонасида ядровий занжир реакциясини бошқариш ва назорат қилишнинг бузилиши, ядровий ёқилғини қайта юклаш, ташиш ва сақлаш вақтида критик массани ҳосил бўлиши, ядровий ёқилғида иссиқлик алмашинувининг бузилиши оқибатида, иссиқлик ажратувчи элементларнинг шикастланиши, улардан хавфсиз фойдаланиш чегаралари ва шартларининг бузилиши;

ядровий ёқилғи – назорат қилинадиган ядровий бўлиниш реакциясини амалга ошириш ҳисобига ядровий қурилмада иссиқлик энергияси ва (ёки) нурланиш оқимларини олиш учун мўлжалланган ядровий материал;

ядровий хавфли ишлар – хавфсизлик учун муҳим бўлган тизимлар ва (ёки) элементларни текшириш, ишга тушириш ва таъмирлаш.

Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг
хавфсизлик ҳолатига оид ахборотни хавфсизликни
давлат томонидан тартибга солувчи органларга тақдим
этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик ҳолатига оид ахборотни хавфсизликни давлат
томонидан тартибга солувчи органларга тақдим этиш
СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Эксплуатация қилувчи ташкилот	Эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларга ядровий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини ишга тушириш, эксплуатация қилиш ва эксплуатациядан чиқариш босқичларида: хавфсизлик ҳолатига оид ахборотни; радиациявий хавфсизлик ҳолати ва атроф мухитга таъсири бўйича зарур бўлган ахборотни электрон шаклда тақдим этади.	Ҳисобот йилидан кейинги ойнинг 10 санасигача. Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10 санасигача.
2-босқич	Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар	Эксплуатация қилувчи ташкилотлар томонидан тақдим қилинган ахборотнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини кўриб чиқади.	Ахборотни қабул қилгандан сўнг 30 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда.
3-босқич	Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар	1. Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларида хавфсизлик талабларининг таъминланиш мониторингини олиб боради, шу жумладан, ушбу объектлар бўйича хавфсизлик тўғрисида тизимли ахборотни тўплайди, маълумотлар базасини яратади, таҳлил қилиб боради. 2. Камчиликлар аниқланганда, ёзма кўрсатма беради. 3. Ёзма кўрсатма ижроси ва камчиликлар бартараф этилишини назорат қилади.	1. Ҳар чоракдан кейинги ойнинг 10 санасигача. 2. 1 иш кунда. 3. Ёзма кўрсатмада белгиланган муддатларда.

4-боскич

Эксплуатация қилувчи
ташкilot

Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларга ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлик тизимидаги камчиликлар бартараф қилингани тўғрисидаги ахборотни электрон шаклда тақдим этади.

Камчиликлар бартараф
қилингандан сўнг 3 иш кунida.

